


Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲУКМ

2024 йил июль ойининг 30 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳари суди, ўзининг биносида, очиқ суд мажлисида, О.Зиявитдиновнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Меҳмановнинг котиблигида, тарафлардан Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси У.Самижонов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат К.Тошбаевнинг иштирокида, [REDACTED] -сонли жиноят иши кўриб чиқилди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 176-моддаси 2-қисми “в” банди ва 186-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш бўйича тарафлар музокараси ва судланувчининг охириги сўзини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни



АНИҚЛАДИ

Судланувчи [REDACTED] истеъмомчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган спиртли ичимликларни номаълум шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб “[REDACTED]” МЧЖга қарашли Наманган шаҳар “[REDACTED]” жойлашган алкоголь маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи дўконда 10 турдаги 74 дона алкогольли маҳсулотларини сотиш билан шуғулланиб келаётганлиги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Наманган шаҳар бўлими ходимлари томоидан 2024 йил 24 май куни ўтказилган тезкор тадбир давомида аниқланган.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Наманган шаҳар бўлимининг 2024 йил 7 июндги хулосасида ашёвий далил сифатида олинган 3 турдаги, яъни В1010 0,5л, ЕКО vodka 0,5л, Romanof 0,5л алкоголь маҳсулотлари хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича СанҚ ва М 0366-19 меъёрига мослиги, маҳсулот инсон ҳаёти ва соғлиги талабларига жавоб бериши, 7 турдаги алкоголь маҳсулотлари, яъни Keklik номли 0,25л, В1010 0,25л, Rjannaya 0,25л, Rjannaya 0,5л, Bonus 0,5л, Belaya krapiva 0,5л, Juravli 0,5л алкоголь маҳсулотлари таркибидаги метил спирти миқдор улуши амалдаги Санитария-гигиена меъёри қоидалари СанҚ ва М 0366-19да белгиланган меъёр даражасидан юқори эканлиги, истеъмомчиларнинг ҳаёти ёки соғлиги талабларига жавоб бермаслиги кўрсатилган.

Наманган вилояти ИИБ эксперт-криминалистик марказининг 2024 йил 29 майдаги 1091-сонли эксперт хулосасида, далилий ашё сифатида олинган 10 турдаги 74 дона алкогольли маҳсулотлари тамғаланган акциз маркалар махсус ҳимояланган полиграфик маҳсулотларни тайёрлаш қоидаларига мос келмаслиги ҳамда рангли принтер ёрдамида оддий қоғозга тайёрланганлиги кўрсатилган.

[REDACTED] суд муҳокамасида айбига қисман иқрор бўлиб, ҳақиқатан ҳам “[REDACTED]” МЧЖга қарашли Наманган шаҳар “[REDACTED]” жойлашган алкоголь маҳсулотлари дўконидида 2024 йил март ойи охиридан буён сотувчи вазифасида ишлаб келиши, 2024 йил май ойи бошларида дўконда сотувчилик қилиб турганида нотаниш шахс 80 тага яқин алкоголь маҳсулотларини олиб келиб, тўйдан ортиб қолганлиги, шуни сотиб олишини айтганлиги, ушбу алкоголь маҳсулотларидан яхши фойда қолишини билиб, рози бўлиб ундан ушбу алгол маҳсулотларини сотиб олиб қолганлиги, ушбу сотиб олган алкоголь маҳсулотларидан харидорларга хал хил нархда сотиб келаётган бўлганлиги, жами 5-6 тасини сотганлиги, 2024 йил 24 май куни дўконда савдо қилиб турганида бир харидор келиб, бир дона “В10” номли ароқ ва бир дона пивони 50.000 сўмга сотиб олганлиги, у чиқиб кетгандан сўнг дўконга Департамент ходимлари холислар иштирокида кириб келишиб, ундан



сўрашганида ҳақиқатдан ҳам харидорга бир дона ароқ ва пивони 50.000 сўмга сотганлиги ва савдо чеки бермаганлигини маълум қилганлиги, кейин улар қолган 73 дона алкоголь махсулотларини ашёвий далил сифатида олишганлиги, ушбу алкоголь махсулотларини акциз маркалари қалбаки эканлигини экспертиза хулосаси унга маълум қилингандан сўнг билганлиги, унгача хабари бўлмаганлиги, бу акциз маркаларини у ясамаганлиги ёки сотиб олмаганлиги, у фақат алкоголь махсулотларини сотиб олиб, қайта сотиб фойда кўриш мақсади бўлганлиги, алкоголь махсулотларини истеъмолга яроқсизлигини ҳам кейин билганлигини, моддий шароити оғирлиги, қарамоғида 6 нафар фарзанди борлиги, шу сабабли қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Судланувчи [REDACTED] айбига қисман иқрор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари унинг айби қуйидаги далиллар билан исботланади.

Гувоҳ [REDACTED] суд муҳокамасида, 2024 йил 24 май куни ўтказилган тадбир давомида холис сифатида иштирок этгани, тадбир давомида “[REDACTED]” МЧЖга қарашли Наманган шаҳар “[REDACTED]” жойлашган алкоголь махсулотлари дўконида истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган 10 турдаги 74 дона алкогольли махсулотлари шу судланувчи [REDACTED] томонидан сотилаётгани аниқлангани, ушбу алкоголь махсулотлари ашёвий далил сифатида баённома орқали олинганлигини билдирди.

[REDACTED] ўхшаш кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] жиноят содир этганликдаги айби суд муҳокамасидаги гувоҳларнинг кўрсатувларидан ташқари, жиноят ишидаги ариза, ариза юзасидан тезкор тадбир ўтказиш, воқеа жойини кўздан кечириш, нарса ва ашёларни олиш ҳақида баённома, тушунтириш хатлари, экспертиза хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланади.

Судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган, чунки у бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни сақлаб, ўтказган.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] содир этган жиноий қилмиши Жиноят кодекси 176-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан нотўғри малакаланган.

Чунки, судланувчининг қасди ушбу хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар, яъни алкоголь махсулотларини ўтказиб, фойда кўришдан иборат бўлиб, у томонидан қалбаки акциз маркалари



ясалганлиги ёки ўтказилганлиги объектив далиллар билан исботланмаган.

Шу сабабли, суд судланувчининг айбловидан Жиноят кодекси 176-моддаси 2-қисмининг “в” бандини чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга эканлиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши, 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратиш ҳақида, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг айбига қисман иқрорлиги бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ушбу жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, оилавий ва моддий шароитини, содир этган жиноятини ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга нисбатан айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Суд, ашёвий далилларни муҳокама қилиб, ашёвий далил сифатида олинган 10 турдаги 74 дона алкоголь маҳсулотларини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни, жиноят ишига илова қилинган бир дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И

Судланувчи [REDACTED] айбловидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 176-моддаси 2-қисмининг “в” банди чиқарилсин.



Судланувчи [REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб

[REDACTED]
кодекси 186-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан сутканинг соат 22-00дан соат 06-00гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] озодликни чеклаш жазосини Наманган шаҳар, [REDACTED] ўташ белгилансин ва жазони ўташ даврида қўйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар ўрнатилсин:

- Наманган шаҳар ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Наманган вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Наманган шаҳар ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин, жазони ўташ муддати [REDACTED] Наманган шаҳар ИИБда ҳисобга қўйилган кундан ҳисоблаб, ўтаттирилсин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ атворда бўлиш тўғрисидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида олинган 10 турдаги 74 дона алкоғолли маҳсулотлар ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Бир дона ДВД диск жиноят ишида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида Наманган вилоят судига апелляция тартибида, қайд этилган муддат ўтгач эса кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

О.Зиявитдинов

